



**БОЛАЛАРДА УЧРАЙДИГАН ОҒИЗ КАСАЛЛИКЛАРИ: МУАММО ВА
ЕЧИМЛАР**

Kenjayev Yodgor Mamatqulovich

Saidov Jasur Baxtiyarovich

Abdumurotova Jasmina Baxriddin qizi

Termez iqtisodiyot va servis universiteti Tibbiyot fakulteti o'qituvchisi
Termez iqtisodiyot va servis universiteti Tibbiyot fakulteti Davolash ishi
talabasi

Аннотация: Ушбу мақолада болаларда учрайдиган оғиз касалликлари, уларнинг асосий сабаблари ва тарқалиши таҳлил қилинган. Тадқиқот давомида инфекцион касалликлар, гигиена етишмаслиги ва ёшга боғлиқ хусусиятларнинг болалар саломатлигига салбий таъсири кўрсатилди. Шунингдек, касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирлари ахамияти ёритиб берилган. Болаларнинг стоматологик саломатлигини таъминлаш учун мактаб ва боғчаларда стоматологик кўрикларни йўлга қўйиш, ота-оналарни хабардор қилиш ва болаларда гигиеник одатларни шакллантириш тавсия этилади.

Калит сўзлар: Оғиз касалликлари, стоматологик профилактика, болалар саломатлиги, гигиена, инфекцион касалликлар, стоматит, кариес, гингивит, пародонт касалликлари.

**СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЕ ЗАБОЛЕВАНИЯ У ДЕТЕЙ: ПРОБЛЕМЫ
И РЕШЕНИЯ**

Кенжаев Ёдгор Маматкулович

Саидов Жасур Бахтиарович

Абдумуротова Жасмина Бахриддиновна

Преподаватель медицинского факультета Терменского университета
экономики и сервиса

Студентка факультета лечебного дела Терменского университета
экономики и сервиса

Аннотация: В данной статье проанализированы стоматологические заболевания у детей, их основные причины и распространённость. В ходе исследования выявлено негативное влияние инфекционных заболеваний,





недостаточной гигиены и возрастных особенностей на здоровье детей. Также освещена важность профилактических мероприятий для предотвращения заболеваний. Для обеспечения стоматологического здоровья детей рекомендуется организовать стоматологические осмотры в школах и детских садах, информировать родителей и прививать детям гигиенические привычки.

Ключевые слова: Стоматологические заболевания, профилактика, здоровье детей, гигиена, инфекционные заболевания, стоматит, кариес, гингивит, пародонтальные заболевания.

ORAL DISEASES IN CHILDREN: ISSUES AND SOLUTIONS

Saidov Jasur Bahtiyarovich

Kenjayev Yodgor Mamatqulovich

Abdumurotova Jasmina Baxriddinova

Teacher at the Medical Faculty of Termez University of Economics and Service

Student at the Faculty of Medicine, Termez University of Economics and Service

Abstract: This article analyzes oral diseases in children, their primary causes, and prevalence. The study highlights the negative impact of infectious diseases, poor hygiene, and age-specific factors on children's health. The importance of preventive measures to address these diseases is emphasized. To ensure children's oral health, it is recommended to organize dental check-ups in schools and kindergartens, educate parents, and develop hygienic habits in children.

Keywords: Oral diseases, prevention, children's health, hygiene, infectious diseases, stomatitis, caries, gingivitis, periodontal diseases.

Кириш (Introduction): Болаларда оғиз касалликлари кенг тарқалган муаммолардан бири бўлиб, улар нафақат тиш ва оғиз бўшлиғига, балки умумий саломатликка ҳам салбий таъсир кўрсатади. Мактабларда стоматологик текширувларнинг йўқлиги ва ота-оналарнинг профилактикага етарлича аҳамият қаратмаслиги бу муаммони янада кучайтирмоқда. Оғиз бўшлиғидаги инфекция ва яллиғланиш жараёнлари нафақат оғизда оғриқ, балки кариес, гингивит ва ҳатто менингит каби жиддий асоратларга олиб келиши мумкин. Ушбу мақоланинг мақсади болаларда учрайдиган оғиз касалликларининг асосий сабаблари ва уларни олдини олиш чора-тадбирларини ўрганишдир.





Материаллар ва усуллар (Methods): Тадқиқот жараёнида 128 нафар болалар ўртасидаги стоматологик касалликларни аниқлаш мақсадида кўрсатилган манбалар таҳлил қилинди. Тадқиқот қуйидаги усуллар орқали ўтказилди:

- Болалар ўртасида стоматологик кўриклар ўтказиш;
- Бактериологик таҳлиллар орқали инфекцион агентларни аниқлаш;
- Болаларнинг гигиена одатлари ҳақида саволномаларни тўлдириш;
- Ота-оналар ва ўқитувчилар билан интервьюлар ўтказиш.

Маълумотлар таҳлилида асосий эътибор оғиз касалликларининг турлари, тарқалиш даражаси ва уларнинг ёшга боғлиқ хусусиятларига қаратилди.


Натижалар (Results): Таҳлил жараёнида қуйидаги натижалар аниқланди:

Инфекцион касалликлар билан оғриган болаларнинг 30% да болаларда бактериал инфекцияларга (асосан, гингивит) учраганлиги аниқланди. Шундан, 15% болаларда вирусли инфекция (herpes simplex) қайд этилган.

Гигиенага боғлиқ муаммолар туфайли 40% болаларда тиш чириш белгилари кузатилган. Бунинг асосий сабаблари тишларни нотўғри тозалаш ёки умуман тозалаб юрмасликдир.

Ёш хусусиятлари кўра, мактабгача ёшдаги болаларда стоматит ва аллергия реакциялар кўпроқ қайд этилган. Мактаб ёшидаги болаларда пародонт касалликлари кенг тарқалган. Ёш гуруҳлари бўйича касалликлар тарқалиши бўйича Гистограммада болаларнинг ёш гуруҳлари бўйича стоматологик касалликлар тарқалиши кўрсатилган. 3-6 ёшда асосан стоматит ва кариес учраган бўлса, 7-12 ёшда гингивит ва пародонт касалликлари кенг тарқалган. 13 ёшдан катта болаларда эса оғиз инфекциялари устунлик қилади.





1-жадвал. Ёш гуруҳлари бўйича касалликлар тарқалиши:

Ушбу графикда болаларнинг турли ёш гуруҳлари бўйича стоматологик касалликлар тарқалиши кўрсатилган.

Ўрганилган 128 нафар болалар ўртасидаги 3-6 ёшдагилар, асосан стоматит (25%) ва кариез (20%) қайд этилган. 7-12 ёшда болалар орасида эса гингивит (40%) ва пародонт касалликлари (35%) кенг тарқалган. 13 ёшдан катта болаларда эса оғиз инфекциялари (30%) кўпроқ учрайди.

Бу график ёшга боғлиқ касалликларнинг муаммоларини аниқлаш ва профилактика чораларини режалаштириш учун муҳимдир.

Касалликларнинг асосий сабаблари (Пайчарт): Диаграммада болаларда стоматологик касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлган асосий омиллар тасвирланган: Гигиена риоя қилмаслик натижасида (50%), жумладан тишларни тўғри тозалаб юрмаслик асосий омиллардан биридир.

Шунингдек, Нотўғри овқатланиш рақонида (35% болаларда) ширинлик маҳсулотларининг кўп истеъмол қилиниши касалликларни кучайишига сабаб бўлади. Шифокор кўригидан ўз вақтида ўтиб турмаслик (15% болаларда) ва мактабларда мунтазам стоматологик текширувлар йўқлиги ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади.






Жумладан, болаларнинг ёш гуруҳлари бўйича касалликларнинг тарқалиши куйидагича:

1. Мактабгача ёшдаги (3-6 ёш) болалар ўртасида 25% да стоматит, 20% да кариес. Мактаб ёшидаги (7-12 ёш) болалар ўртасида 40% да гингивит, 35% да пародонт касалликлари, 13 ёшдан катта болалар 30% да оғиз инфекциялари (бактериал ва вирусли) кнг тарқалаётганлигини кўриш мумкин.

2. Тишларнинг ҳолати ва гигиенаси бўйича 50% болаларда тишларни нотўғри тозалаш қайд этилган. Болаларнинг 60% да тиш шифокорига мурожаат қилиш анча кечиктирилган.

3. Касалликлар билан боғлиқ сабабларга тўхталадиган бўлса, 35% ҳолатда тўғри овқатланмаслик ва ширинлик маҳсулотларининг кўп истеъмол қилиниши асосий сабаб бўлган.

Қолаверса, 25% да ота-оналар томонидан профилактик чоралар олиб бориш учун етарлича тиббий салоҳият етишмаган.



2-график жадвал. Касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари.





3-жадвал. Тиш шифокорига мурожаат қилиш давомийлиги

Чизиқли графикда болаларнинг тиш шифокорига мурожаат қилиш кечиктирилган вақтлари кўрсатилган. 6-12 ой ичида мурожаат қилмаган болалар улуши 60-80% ни ташкил қилади, бу эса касалликларнинг кучайишига сабаб бўлади.

Муҳокама (Discussion)

Таҳлиллардан маълум бўлдики, болаларда стоматологик касалликларнинг кенг тарқалишига асосан профилактиканинг етишмаслиги сабаб бўлмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мунтазам стоматологик кўриклар ва оғиз гигиенасига эътибор болалар саломатлигини яхшилашга катта ҳисса қўшади. Шунингдек, болаларни гигиеник одатларга ўргатишга қаратилган тарбиявий ишлар катта аҳамиятга эга.

Касалликларни олдини олиш учун мактабларда стоматологлар томонидан мунтазам кўриклар ўтказилиши, ота-оналарни маълумотли қилиш, шунингдек, болаларга гигиена қоидаларини ўргатиш зарур.

Хулоса (Conclusion)

Болаларда оғиз касалликларининг олдини олиш учун қуйидаги чоралар муҳимдир:





1. Мактаб ва боғчаларда стоматологик кўрикларни ташкил қилиш.
2. Ота-оналар учун профилактика бўйича семинарлар ўтказиш.
3. Болаларни стоматологик гигиена қоидаларига ўргатиш.

Таҳлил шуни кўрсатадики, ушбу чоралар ўз вақтида қўлланилса, болаларда оғиз касалликлари билан боғлиқ жиддий асоратларнинг олдини олиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Базянов Н.А., Курбатов И.В. "Стоматология детского возраста" – Москва: Медицина, 2018. – 345 с.
2. Гудкин И.А., Васильева Н.Н. "Профилактика стоматологических заболеваний у детей" – Санкт-Петербург: ЛитЭра, 2019. – 290 с.
3. Шишков В.П. "Гигиена полости рта и методы профилактики" – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2016. – 200 с.
4. World Health Organization (WHO). "Oral health in children: Key facts and recommendations" – Geneva, 2021.
5. American Academy of Pediatric Dentistry. "Guidelines on Periodicity of Examination, Preventive Dental Services, Anticipatory Guidance, and Oral Treatment for Children" – Chicago, 2020.
6. Albandar J.M., Rams T.E. "Global epidemiology of periodontal diseases in children and adolescents" – *Periodontology*, 2022. – Vol. 88(1): 1-10.
7. Симоненко О.В., Павлова Л.А. "Основные принципы лечения и профилактики кариеса у детей" – Вестник современной медицины, 2019. – №3: 45-52.
8. National Institute of Dental and Craniofacial Research (NIDCR). "Dental caries (tooth decay) in children: Facts and prevention tips" – Bethesda, 2021.
9. Burt B.A., Eklund S.A. "Dentistry, Dental Practice, and the Community" – 6th ed. – Elsevier Health Sciences, 2019.
10. Головин А.В., Иванова Ю.Н. "Роль питания в профилактике стоматологических заболеваний" – Журнал "Детская стоматология", 2020. – №5: 34-39.
11. Kenjayev Y.M., Berdieva S.A., Termiz iqtisodiyot va servis universiteti. "Yurak bo'lmacha va qorinchalari gipertrofiyasining elektrokardiografiya belgilari o'zgarishlarini tahlili."
12. Mamatqulovich K. Y. Me'da osti bezi o'tkir va surunkali pankreatit kasalliklarini gistomorfologik tahlili //American journal of applied medical science. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – S. 49-53.





13. Mamatqulovich K. Y. et al. Glomerulonefrit kasalligida klinik laborator tahlillarning o'rni va samaradorligi //American journal of applied medical SCIENCE. – 2024. – T. 2. – №. 3. – S. 112-120.

14. Mamatqulovich K. Y., Ismatulloevich X. I., Xabibullo o'g'li C. S. Ko'kyo'tal kasalligi va uni oldini olish chora-tadbirlari //American journal of applied medical science. – 2024. – T. 2. – №. 4. – S. 18-21.

15. Mamatqulovich K. Y., Fayzullayevna R. S. Husnbuzarlar etiologiyasi, klinikasi va davolash chora-tadbirlari //American journal of applied medical science. – 2024. – T. 2. – №. 3. – S. 126-130.

16. Kenjayev Y. "Bio eko texno" ma'suliyati cheklangan jamiyatga qarashli maishiy chiqindilarni saralash va qayta ishlash korxonasi xodimlarining salomatligi //TISU ilmiy tadqiqotlari xabarnomasi. – 2023. – T. 1. – №. 2. – S. 172-176.

